

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЛБУТАЕВА АЗИЗА КАМАЛИДДИНОВНА

**СИНХРОН МОТОРНИНГ ЎТКИНЧИ ЖАРАЁНЛАРИГА МАГНИТ
ЎЗАК ТЎЙИНИШИНИНГ ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК 621.313

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Халбутаева Азиза Камалиддиновна

Синхрон моторнинг ўткинчи жараёнларига магнит ўзак тўйинишининг таъсирини таҳлил қилиш..... 3

Халбутаева Азиза Камалиддиновна

Анализ влияния насыщения магнитопровода на переходные процессы синхронного двигателя..... 23

Xalbutayeva Aziza Kamaliddinovna

Analysis of the effect of magnetic core saturation on the transient processes of a synchronous motors..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЛБУТАЕВА АЗИЗА КАМАЛИДДИНОВНА

**СИНХРОН МОТОРНИНГ ЎТКИНЧИ ЖАРАЁНЛАРИГА МАГНИТ
ЎЗАК ТЎЙИНИШИНИНГ ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Т922 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пирматов Нурали Бердиёрович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бобожанов Махсуд Қаландарович техника фанлари доктори, профессор Ишназаров Ойбек Хайрилаевич техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил “13” декабрь соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 207-07-32; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (38 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси., 2. Тел.: (99871) 207-14-70).

Диссертация автореферати 2025 йил “25” 11 кун тарқатилди.
(2025 йил “24” 11 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



К.Р. Аллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор,
академик

И.У. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Т.Ш. Гайибов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Жаҳонда синхрон машиналар барча турдаги электр станцияларида ва саноатда кенг қўлланиладиган электр машиналари қаторига киради ва уларнинг муаммосиз ишлаши ишлаб чиқаришдаги муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, электр машиналарини лойиҳалаш жараёнида параметрларини тўғри танлаш ва электромеханик ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда техника ва технологиялари ривожланган мамлакатларда “...синхрон машиналарнинг ўткинчи жараёнларини моделлаштириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда”¹. Бу борада, жумладан, магнит ўзакнинг тўйинишини ҳисобга олган ҳолда ишга тушириш жараёнларини аниқ моделлаштириш усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда синхрон машинани магнит ўзак тўйинишини ҳисобга олиш ҳамда синхрон машиналарни лойиҳалашда ҳисоб-китоблар аниқлигини ошириш, оғир юкланган машиналарни ишончли ишга туширишни таъминлаш, ҳамда электр машиналар тизимларининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, саноатни рақамлаштириш учун компьютерда моделлаштириш ва электр машиналарининг виртуал моделларини кенг қўллаш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, синхрон моторнинг ишончли виртуал моделини яратиш учун математик модель магнит ўзакнинг ҳақиқий нозик хусусиятларини тўғри акс эттириши, ҳамда синхрон машиналарда энергия ва ресурс тежамкорлиги ва электр машиналарининг ишончлилиги ва энергия самарадорлигини ошириш масалалари долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда иқтисодийнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, аҳоли меҳнат фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, шунингдек, электр энергияси истеъмолчиларини сифатли, узлуксиз ва арзон электр энергияси билан ишончли таъминлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, бир вақтнинг ўзида замон талабларига жавоб берадиган янги технологик ечимларни яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамизда иқтисодий тармоқлари кесимида энергия сиғимдорлигини 2030 йилга қадар бир ярим баробарга камайтириш мақсадида янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “Иқтисодийни электр

¹Armin Kerperin. Modellierung der Sättigungseinflüsse einer Synchronmaschine: Eine Berechnung transienter Vorgänge der Synchronmaschine mit Berücksichtigung der magnetischen Sättigung Paperback – 3 Aug. Dordmund, 2016.

энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 %га ошириш”² бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, магнит ўзакнинг тўйиниши синхрон моторнинг ўткинчи жараёнларига қандай таъсир кўрсатиши муаммоларини ечишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4165-сонли “2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикада атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ҳамда 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энерго тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Магнит ўзак тўйинишининг синхрон машиналар ўткинчи жараёнларига таъсирини тадқиқ қилиш йўналишидаги илмий изланишлар кўплаб илмий-тадқиқот муассасалари ва марказларида, жумладан, Иссиқлик физикаси ва электрофизика институти (Россия), Брянск давлат техника университети (Россия), Нью-Йорк технология институти (АҚШ), Милан политехника университети (Италия), Мерсин университети (Туркия), Китами технология институти (Япония), Замонавий технологиялар ва ахборот университети (Миср), Чехия политехника университети (Чехия), Томск политехника университети, Новосибирск давлат техника университети, Урал политехника университети, Бутунроссия электроэнергетика илмий-техника институти (Россия), Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Республикаси ФА Энергетика муаммолари институти ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Синхрон моторларнинг ишга тушириш жараёнлари хоссаларини ўрганиш, усул ва алгоритмларини яратиш муаммоларини ҳал қилишда бир қатор қуйидаги таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Р.Рихтер, К.Р. Kovach, I. Rats, Armin Kerperin, P.Park, И.М. Постников, А.И. Важнов, И.А. Глебов, Е.А. Казовский, И.П. Копылов, В.А. Мартынов, Г.А. Сипайлов, И.И. Трещев ва бошқалар.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг ишлари синхрон моторнинг ишга тушириш режимларининг хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ илмий муаммоларни ҳал қилишга бағишланган. Улар орасида Қ.Р. Аллаев, М.Ғ. Ахматов, Ғ. Одилов, Н.Б. Пирматов, Д.С. Салимов, Л.В.Ковешникова, М.Қ.Бобожанов ва бошқаларнинг ишларини қайд этиш мумкин. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида аён қутбли синхрон моторлар учун чизикли тенгламалар синхрон моторларни ишга туширишнинг ўткинчи жараёнлари соҳасидаги масалаларни ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришилди.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, аён қутбли синхрон машиналар учун ночизикли тенгламалар усулларини қўллаган ҳолда тўйинган магнит ўзакли ишга туширишнинг ўткинчи жараёнларини ўрганиш билан боғлиқ илмий муаммолар етарлича ўрганилмаган. Ушбу диссертация ишида синхрон моторларни лойиҳалаш ва ишлатишда ҳисоблаш аниқлигини ошириш, оғир юкланган машиналарни ишончли ишга туширишни таъминлаш ва электр машиналари тизимларининг энергия самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган усуллар ва техник ечимлар таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Электр машиналари ва юритмалари муҳандислиги” кафедрасининг амалга оширилаётган IL-442105947 ракамли “Шамол ва сув оқими параметрлари ўзгаришида локал энергетика тизимига ўзгармас частотали стабил ўзгармас электр қувватини узатувчи янги автоматик қурилма яратиш” (2022-2024 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади магнит ўзак тўйинишининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда аён қутбли синхрон моторнинг ўткинчи жараёнларининг математик модели ва ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

динамик жараёнларда магнит ўзакнинг тўйинишини ҳисобга олувчи аён қутбли синхрон моторнинг тўлиқ ночизикли математик моделини такомиллаштириш;

ўткинчи жараёнда магнит ўзак тўйинишининг магнит майдон гармоникаларига ва электромагнит моментида таъсирини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

магнит ўзакнинг маҳаллий тўйинганлиги шароитида аён қутбли синхрон моторнинг параметрларини аниқлаш асосида чулғамлардаги дифференциал сочилма индуктивликни аниқлашнинг аналитик боғлиқликни таклиф этиш;

синхрон моторларда магнитланиш характеристикасининг эгилиш нуктасида бўлган номинал кучланиш қийматини таъминлаш мезони асосида аён қутбли синхрон моторни силлиқ ишга тушириш усули ва схемаси такомиллаштириш;

ишлаб чиқилган математик модел ва ҳисоблаш усули учун магнит ўзак тўйинишни ҳисобга олган ҳолда аён кутбли синхрон моторнинг ўткинчи жараёнларини (ишга тушириш) экспериментал тадқиқ қилиш, таклиф этилган ёндашувларнинг ишончлилигини экспериментал тасдиқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аён кутбли синхрон мотор олинган.

Тадқиқотнинг предмети синхрон моторни асинхрон усулда ишга тушириш пайтида параметрлар ва хусусиятларга таъсир қилувчи магнит ўзакнинг тўйинганлигини ҳисобга олган ҳолда синхрон моторнинг ўткинчи жараённи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электр машиналари назариясидан, аналитик ёндашувлар ва ANSYS MAXWELL дастурида чекли элементлар усулидан фойдаланган ҳолда рақамли симуляция каби усуллар комбинациясидан фойдаланилди. Натижаларни қайта ишлаш учун вақт функцияларининг гармоник таҳлили ва чизикли бўлмаган характеристикалар учун яқинлашиш усуллари (магнитланиш эгри чизигининг квадратик полином интерполяцияси) ҳисоб-китобларнинг аниқлигини ошириш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аён кутбли синхрон моторни асинхрон усулда ишга туширишнинг математик модели тўйиниш коэффициентини эътиборга олган ҳолда ишга тушириш токи ва электромагнит моментнинг реал динамикасини аниқ тавсифлаш асосида такомиллаштирилган;

ўткинчи жараёнда магнит ўзак тўйинишини ҳисобга олган ҳолда синхрон моторнинг магнит майдон гармоникалари ва электромагнит моментини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

чулғамлардаги дифференциал сочилма индуктивликни аниқлашнинг аналитик боғлиқлиги магнит ўзакнинг маҳаллий тўйинганлиги шароитида аён кутбли синхрон моторнинг параметрларини аниқлаш асосида таклиф этилган;

аён кутбли синхрон моторни силлиқ ишга тушириш усули ва схемаси магнитланиш характеристикасининг эгилиш нуқтасида бўлган номинал кучланиш қийматини ҳамда моторнинг барқарор ва силлиқ синхронлашувини таъминлаш мезони асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

таклиф этилган синхрон моторни комплекс моделлаштириш усулини электр машиналарини лойиҳалаш босқичида жорий этиш мумкин;

юқори қувватли синхрон моторлар учун ишга туширишдаги салбий тўйиниш таъсирларини бартараф этувчи тиристорли силлиқ ишга тушириш тизими ишлаб чиқилди;

синхрон машиналарнинг параметрлари ва ишга тушириш характеристикаларини юқори аниқликда ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

аён кутбли синхрон моторларнинг дифференциал сочилма индуктивликларининг қийматлари ва ўткинчи жараёнларни магнит ўзакнинг тўйинганлиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуйидагилар билан асосланади: олинган натижаларнинг асослилиги, синовдан ўтган усуллар ва математик моделларнинг қўлланилиши, замонавий электромагнит моделлаштириш дастурий таъминотидан (ANSYS Maxwell) фойдаланилганлиги, ҳамда асосий назарий қоидаларнинг тажриба орқали тасдиқланганлиги. Ҳисобланган маълумотлар физик тажрибалар натижалари ва маълум бўлган назарий боғлиқликлар билан таққосланганда, улар ўртасида яхши мувофиқлик кузатилган. Бу эса диссертация иши хулосаларининг юқори даражада ишончли эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр машиналар назариясини ривожлантириш, магнит тўйинишининг синхрон моторлардаги электромагнит жараёнларга таъсири ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтириш ҳамда аён қутбли синхрон моторларнинг ҳаво бўшлиғидаги магнит майдонининг математик модели пўлат ўзак магнитланиш эгри чизиғининг нозизиқлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган усуллар ва техник ечимлар синхрон мотор (СМ)ларни лойиҳалаш ва эксплуатация қилишда ҳисоблаш аниқлигини ошириш, катта қувватли машиналарни ишончли ишга туширишни таъминлаш ва электр машиналар тизимларининг энергия самарадорлиги, ҳамда барқарорлигини ошириш учун қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синхрон моторнинг ўткинчи жараёнларига магнит ўзак тўйинишининг таъсирини таҳлил қилиш бўйича илмий натижалар асосида:

магнит ўзакнинг тўйиниш даражаси таъсирини ҳисобга олган ҳолда мавжуд иккита усул (бўлак-чизиқли аппроксимация ва кубик полиномлар аппроксимацияси) бўйича ҳисоблаш аниқлигини таққослаш мақсадида асинхрон усулда ишга тушириш жараёнининг математик модели такомиллаштирилди. Натижада, 15 кВт аён қутбли синхрон моторнинг магнит ўзак тўйинганлигини ҳисобга олмаслик дифференциал сочилма индуктивлиги, магнит индукцияси, электромагнит моменти ва қувватини аниқлашда 19,3% хатоликка олиб келиши аниқланди.

аён қутбли синхрон моторни микропроцессорли ишга туширишнинг тавсия этилган схемаси “Навоий ИЭС” АЖга жорий қилинган (“Навоий ИЭС” АЖнинг 2020 йил 14 октябрдаги 13/1963-сон маълумотномаси). Натижада, синхрон моторнинг ишга тушириш тоқини камайтириш ҳисобига синхрон моторнинг таъмирсиз ишлаш даври 2,7 мартага ошириш имконини берган;

аён қутбли синхрон моторни ишга туширишнинг тавсия этилган усули “Навоий ИЭС” АЖга жорий қилинган (“Навоий ИЭС” АЖнинг 2020 йил 14 октябрдаги 13/1963-сон маълумотномаси). Натижада, синхрон моторнинг ишга тушириш жараёнини яхшилаш ва синхрон моторни таъмирлаш

харажатларини камайтириш ҳисобига 161 000 000 (бир юз олтмиш бир миллион) сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий анжуман ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида, шунингдек, 3 та мақола SCOPUS базасига кирувчи тўпламларда нашр этилган ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми жами 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аён қутбли синхрон моторлар магнит ўзаги тўйинишининг ўткинчи жараёнларга таъсирини ўрганиш бўйича замонавий тадқиқотлар ҳолатининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида электр машиналар, хусусан, аён қутбли синхрон моторлар (АҚСМ) умумий назариясида магнит ўзаги тўйинганлини эътиборга олиш масалалари замонавий ҳолатининг таҳлили келтирилган.

Ҳозиргача идеаллаштирилган электр машиналар, айниқса АҚСМ тадқиқотлари магнитловчи тавсифлар эгри чизигининг ночизикли эканлиги эътиборга олмасдан бажарилмоқда. Шу асосда, фақат чизикли тизимлар учун мўлжалланган суперпозиция усули қўлланилиб, тенгламалардаги ток, электр юритувчи куч ва магнит майдонлар $d-q$ ўқлари бўйича алоҳида ташкил этувчиларга ажратилади, сўнгра уларнинг йиғиндилари аниқланади.

Ночизикли электр занжирларнинг замонавий назариясида электротехник қурилмаларни лойиҳалаш муаммолари билан боғлиқ бўлган ночизикли занжирларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишнинг бир қатор усуллари ишлаб чиқилган, масалан бўлак-чизикли усули, эквивалент ўзгарткичнинг график усули, даврий функциялар тадқиқотининг тақрибий усуллари, хусусан гармоник чизиклилаштириш усуллари кўплаб қўлланилади.

Диссертацияда магнит ўзак тўйинганлиги эътиборга олинган энг

характерли тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

АҚСМни ишга тушириш ўткинчи жараёнлари тавсифларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири - магнит майдоннинг дифференциал сочилма қаршилигидир. Бу қаршилиқ СМ эквивалент алмаштириш схемасининг асосий параметрларидан бири ҳисобланади, электромагнит ва электро-механик жараёнларни ёритувчи тенгламалар тарқибига киради ва электр машиналар ўткинчи жараёнларини ҳисоблашда ёрдам берадиган дастурларнинг бошланғич катталиклар ҳисобланади.

Бажарилган таҳлиллар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- магнит ўзак тишли зоналари тўйиниши ночизиклигини эътиборга олинган статор магнит майдон дифференциал сочилма индуктив қаршилигини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари идеаллаштирилган электр машиналари назариясида келтирилган соддалаштириш фаразларига асосланган, шу сабабли аниқлиги паст;

- ҳозирги кунга қадар маълум бўлган СМ ҳаво оралиғидаги магнит майдонни ҳисоблашнинг рақамли усуллари мураккаб ва кам қўлланилади;

- АҚСМ математик моделлари идеаллаштирилган электр машиналари асосида курилади, бунда реал уч фазали статор чулғами икки координатали тизимга алмаштирилади.

Юзага келган ҳолат синхрон моторларни асинхрон усулда ишга тушириш жараёнига магнит ўзак тўйинганлик даражасининг таъсири тадқиқотига янгича ёндошувларни ривожлантиришни тақозо этади. Шу билан бирга АҚСМ ўткинчи жараёнлари математик моделини тузишда аналитик ифодаларни соддалаштиришни минималга келтириш, ночизикли магнитловчи эгри чизикларни апроксимациялашда энг аниқ усулларни қўллаш муваффақиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Магнит ўзакнинг тўйинишини ҳисобга олган ҳолда ишга туширишнинг ўткинчи жараёнларини ўрганиш учун АҚСМ математик моделлари”** деб номланган иккинчи боби магнит ўзакнинг тўйиниш даражасининг ишга тушириш жараёнига таъсирини ўрганиш бўйича ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш учун АҚСМ асинхрон усулда ишга тушириш жараёнининг математик моделини танлаш ва такомиллаштиришга бағишланган.

АҚСМни асинхрон усулда ишга тушириш жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш учун қуйидаги дифференциал тенгламалардан фойдаланиш зарур: статор чулғамларининг кучланишлари

$$\left. \begin{aligned} u_a &= -d\Psi_a / dt + i_a r_s \\ u_b &= -d\Psi_b / dt + i_b r_s \\ u_c &= -d\Psi_c / dt + i_c r_s \end{aligned} \right\}; \quad (1)$$

$$u_{и.т} = -\frac{d\psi_{и.т}}{dt} + i_{и.т} r_{и.т}, \quad (2)$$

ва қўзғатиш чулғамининг кучланиши

$$u_{кўзғ} = -\frac{d\psi_{кўзғ}}{dt} + i_{кўзғ} r_{кўзғ}, \quad (3)$$

у чулғам ўз қаршилигидан 15÷20 марта катта бўлган ташқи қаршиликка уланади.

Мотор валидаги моментлар мувозанати тенгламаси

$$M_{\text{қарш}} = M_{\text{эм}} + Jd\omega_r/dt, \quad (4)$$

бу ерда Ψ_a, Ψ_b , ва Ψ_c - статорнинг a, b, c фаза чулғамлари билан тўлиқ оқим илашмаси; u_a, u_b, u_c ва i_a, i_b, i_c - статор чулғамлари фаза кучланишлари ва тоқларининг оний қийматлари; r_s - статор фаза чулғамларининг актив қаршилиги; Ψ_B и Ψ_{II} - қўзғатиш ва ишга тушириш чулғамлари билан тўлиқ оқим илашимликлари; $u_{\text{қўзғ}}, u_{\text{и.т}}$ и $i_{\text{қўзғ}}, i_{\text{и.т}}$ - қўзғатиш ва ишга тушириш чулғамлари кучланишлари ва тоқларининг оний қийматлари; $r_{\text{қўзғ}}$ и $r_{\text{и.т}}$ - ишга тушириш қаршилиги билан қўзғатиш ва ишга тушириш чулғамларининг актив қаршиликлари; $M_{\text{қарш}}$ - қаршилик momenti; $M_{\text{эм}}$ - моторнинг электромагнит momenti; J - роторнинг инерция momenti; ω - роторнинг айланиш бурчак тезлиги.

(1) - (3) тенгламаларда биз $\psi_k = r_k$ ($k = a; b; c; B; II$).

Тадқиқотнинг ишончли натижаларини олиш учун ишда статорнинг 3 фазали чулғами учун магнит ўзак тўйинишини ҳисобга олган ҳолда икки координаталар тизимига ўзгартиришларсиз АҚСМ математик модели ва магнит ўзакнинг тўйинган АҚСМ математик модели квазичизиқли дифференциал тенгламалардан фойдаланган ҳолда (2-ўқли координаталар тизими) такомиллаштирилди.

Уларнинг реал объект билан сифат ва миқдорий яқинлашишини баҳолаш мақсадида диссертация ишида синхрон моторнинг ўткинчи жараёнлари математик моделларнинг ушбу икки варианты ёрдамида тадқиқ қилинган, сўнгра ўткинчи жараёнларнинг АҚСМ физик моделида экспериментал тадқиқотлари ўтказилди, олинган натижалар таққосланди ва энг аниқ натижаларга эга бўлган математик модель варианты таклиф қилинди.

Тўйинган магнит ўзакли асинхрон усулда ишга туширишнинг динамик жараёнларининг АҚСМ математик моделини такомиллаштириш.

Бунинг учун (1) - (3) шаклдаги электр занжирининг кучланишлар баланси тенгламалари, роторнинг механик ҳаракати дифференциал шаклдаги тенгламаси (4) бўлиши лозим. Унда математик моделнинг тенгламалар тизими қуйидаги шаклда бўлади

$$\left. \begin{aligned} d\psi_a/dt &= u_a - i_a r_s \\ d\psi_b/dt &= u_b - i_b r_s \\ d\psi_c/dt &= u_c - i_c r_s \\ d\psi_{\text{қўзғ}}/dt &= u_{\text{қўзғ}} - i_{\text{қўзғ}} r_{\text{қўзғ}} \\ d\psi_{\text{и.т}}/dt &= u_{\text{и.т}} - i_{\text{и.т}} r_{\text{и.т}} \\ \psi &= \psi_a + \psi_b + \psi_c \\ M_{\text{эм}} &= p(\psi i_{\text{и.т}} + \psi i_{\text{қўзғ}}) \\ d\omega_r/dt &= (M_{\text{эм}} - M_c)/J \end{aligned} \right\} \quad (5)$$

Математик модель ёрдамида электромагнит момент ва моторни ишга тушириш тавсифларига магнит ўзак тўйинганлик даражасининг таъсирини аниқ ўрганиш учун статорнинг хар бир фаза чулғами магнит майдонлари алгебраик йиғиндисига тенг бўлган натижавий магнит майдонини аниқлаш зарур экан

$$\Psi = \Psi_a + \Psi_b + \Psi_c. \quad (6)$$

Кўзғатиш чулғамида ЭЮК индуктивланади, у мужассам (сосредоточенный) бўлгани учун, чулғамни туташтирганда, унда пульсланувчи ток ва магнит майдон ҳосил бўлади.

Юқорида келтирилган электромагнит момент таърифини эътиборга олиб, унинг аналитик ифодасини ротор чулғамлари тоқларининг статор магнит майдонига кўпайтмаси кўринишида ёзамиз

$$M_{эм} = p(\psi i_{и.т} + \psi i_{кўзғ}). \quad (7)$$

Маълумки, мотор магнит ўзагининг энг кўп тўйинган қисми унинг тиш қисми ҳисобланади. АҚСМ математик моделида магнит ўзак тўйинганлик даражаси ночизиқли тенгламалар тизими билан аниқланади

$$\left. \begin{aligned} i_a &= \Psi_a / L(i_a) \\ i_b &= \Psi_b / L(i_b) \\ i_c &= \Psi_c / L(i_c) \end{aligned} \right\}, \quad (8)$$

бунда $L(i)$ – статор фаза чулғамининг ночизиқли индуктивлиги ва у эксперимент ёрдамида аниқланади.

Математик моделга статор фаза чулғамининг ночизиқли индуктивлиги $L(i)$ ёки магнитловчи тавсиф $\Psi_a = L(i_a)i_a$ график тасвир сифатида киритилади.

Унда тиш зонасидаги магнит майдон индукцияси қуйидагича бўлади

$$B = \frac{\Phi}{S_c} = \frac{\Phi}{\sum_{Z/2p} b_{z_{\min}} \cdot l_M} = \frac{\Phi}{b_{z_{\min}} \cdot Z / (2p) \cdot l_M}. \quad (9)$$

Магнит ўзак магнитловчи тавсифининг АҚСМ ишга тушириш режимидаги таъсирини эътиборга олиш магнитловчи тавсиф $B = f(i)$ ни аппроксимациялаш билан амалга оширилади. Аппроксимациялаш усули 3 бобда келтирилган.

Шундай қилиб, (5), (8), (9) ночизиқли дифференциал тенгламалар тизимининг ечимлари ва демак магнит ўзаги тўйинган АҚСМ математик моделининг ечимлари ток, магнит майдон, айлантирувчи момент ва ротор айланиш тезлигининг аниқланган ўзгарувчилари экан.

Квазичизиқли дифференциал тенгламали АҚСМнинг математик модели. Реал уч фазали статори бўлган электр машинаси идеаллаштирилган икки фазали электр машина билан алмаштирилади. Бунда реал уч фазали машина ҳаво оралиғининг натижавий магнит оқим илашуви $d - q$ ўрнига ортогонал координата ўқларига проекция сифатида магнит илашувнинг икки ташкил этувчилари қабул қилинади. Агар АҚСМ барқарорлик режимида статор ва ротор чулғамлари магнит майдонлари ўзаро кўзғалмас бўлса, ишга

тушиш жараёнида ротор айланиш тезлиги ўзгариши билан ротор чулғамлари статор чулғамларига нисбатан $0 \leq n \leq n_1$ силжиб боради.

$$\left. \begin{aligned} \Psi_{ad} &= L_{ad} i_d \\ \Psi_{aq} &= L_{aq} i_q \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

Шу сабабли математик модель ёрдамида АҚСМни асинхрон ишга тушириш ўткинчи жараёнлари тадқиқоти учун $\alpha - \beta$ ўқли координата тизимини қабул қиламиз.

$$\left. \begin{aligned} u_{s\alpha} &= \left[r_s + \frac{d}{dt} L_{\sigma s}(t) \right] i_{s\alpha} + \frac{d}{dt} M(t) i_{m\alpha}, \\ u_{s\beta} &= \left[r_s + \frac{d}{dt} L_{\sigma s}(t) \right] i_{s\beta} + \frac{d}{dt} M(t) i_{m\beta}, \\ 0 &= \left[r_{\Pi} + \frac{d}{dt} L_{\sigma \Pi}(t) \right] i_{\Pi\alpha} + \frac{d}{dt} M(t) i_{m\alpha} + \omega_r [L_{\Pi} i_{\Pi\beta} + M(t) i_{m\beta}], \\ 0 &= \left[r_{\Pi} + \frac{d}{dt} L_{\sigma \Pi}(t) \right] i_{\Pi\beta} + \frac{d}{dt} M(t) i_{m\beta} - \omega_r [L_{\Pi} i_{\Pi\alpha} + M(t) i_{m\alpha}], \\ 0 &= \left[r_B + \frac{d}{dt} L_{\sigma B}(t) \right] i_{B\alpha} + \frac{d}{dt} M(t) i_{m\alpha} + \omega_r [L_B i_{B\alpha} + M(t) i_{m\beta}], \\ M_{\Sigma M}(t) &= p M(t) [i_{m\alpha} i_{\Pi\alpha} - i_{m\beta} i_{\Pi\beta} + i_{m\alpha} i_{B\alpha}], \\ \omega_r &= \frac{p}{J} [M_{\Sigma M}(t) - M_c(t)] \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

бунда p – машинанинг жуфт кутблари сони; $M_{\Sigma M}$ - электромагнит момент. Унинг ташкил этувчилари қуйидаги ток жуфтликлари билан ўзаро таъсир этиб ҳосил бўладилар: α ва β ўқлари бўйлаб статор чулғами магнитловчи тоқлари ишга тушириш чулғами тоқлари билан ва α ўқи бўйлаб қўзғатиш чулғами тоқи билан.


(11) тенгламалар системасидан магнит ўзакнинг тўйиниш таъсирини тўғридан-тўғри ўз ичига олган электромагнит момент ва ЭЮК учун ифодани олиш мумкин.

$$\left. \begin{aligned} M_{\Sigma M} &= \psi_d i_q - \psi_q i_d = E_{\delta q} i_q + E_{\delta d} i_d \\ E_{\delta q} &= k_d (x_{ad} i_d + E_q + \sum_{i=1}^{n_d} E_{rqi}) \\ E_{\delta d} &= -k_q (x_{aq} i_q - \sum_{k=1}^{n_q} E_{rpk}) \end{aligned} \right\} \quad (12)$$

(12) формулада магнит ўзакнинг тўйиниши индуктивликлар ва оқимларнинг тоқларга боғлиқлиги орқали ифодаланади.

1-расмда синхрон мотор асинхрон усулда ишга туширилганда электромагнит моментни ва айланиш бурчак тезлиги ҳисоблаш алгоритми келтирилган.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган алгоритм аён кутбни синхрон моторни ишга тушириш характеристикалари бўйича юқори ишончлилиқ билан сонли тажрибалар ўтказиш имконини беради, шунингдек, турли хил юкламалар ёки тўйиниш даражаларида СМни асинхрон усулда ишга туширишни тез ҳисоблаш мумкин.



1-расм. Синхрон мотор асинхрон усулда ишга туширилганда электромагнит моментни ва айланиш бурчак тезлигини ҳисоблаш алгоритми

Диссертациянинг “АҚСМда аппроксимациялаш усуллари ва тўйинишнинг ночизиқликларини ҳисобга олиш усулини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобида АҚСМ магнитланиш характеристикаларини аппроксимациялаш усули, тишли зоналарнинг тўйиниш ночизиқликларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал сочилма магнит майдонларини ҳисоблашнинг соддалаштирилган усули, синхрон мотор статор чулғамининг магнит майдонини ҳисоблаш, АҚСМни асинхрон усулда ишга тушириш жараёнини ўрганиш натижалари келтирилган.

Қўйилган вазифаларга магнит ўзак қисмлари магнитловчи тавсифларини аппроксимациялаш билан эришиш мумкин. Бунда ночизиқли машина магнит ўзагининг магнитловчи тавсифи $B = f(H)$ ни аналитик ифодалаш учун кенг тарқалган икки усул: бўлак-чизиқли ёки бўлак-ўзгармас усуллардан бирини қўллаш етарли бўлади.

Масалан, эксперимент ёрдамида олинган тавсиф куйидаги кетма-кетлик нуқталари билан $B_k; H_k$ (бунда $k = 1, 2, 3, \dots, n$) берилган бўлса, бўлак-чизиқли аппроксимация усулидан фойдаланганда, тавсифнинг $H_k - H_{k+1}$ бўлаги учун куйидаги функцияни ғосил қилиш мумкин

$$B = B_k + (B_{k+1} - B_k) / (H_{k+1} - H_k) (H - H_k) \quad (13)$$

ва тавсифнинг берилган нуқталарда синувчи синик чизик шаклида бўлади.

Агар иккинчи усулни қўлласса, тавсифнинг шу $H_k - H_{k+1}$ бўлагида бу функция ўзгармас бўлади

$$H = H_k \text{ ёки} \quad (14)$$

$$H = 0,5(H_k + H_{k+1}), \quad (15)$$

ва ҳисил бўлган тавсиф поғонали функция шаклида бўлади. Аниқки, синиш ва поғоналар сони кўрилатган (13) - (15) ночизикли тавсиф учун экспериментал нуқталарнинг сони “ k ” га боғлиқ бўлади. Бироқ, ушбу ночизикли магнитловчи тавсифларни аппроксимациялаш усуллари аниқлиги паст. Ҳисоблаш аниқлигини оширишнинг ягона шарти - экспериментал нуқталар “ k ” сонини кўпайтиришдир. Бироқ, бизнинг тадқиқотларимизга ушбу шартни қўллаб бўлмайди.

Аппроксимациянинг бу усулига нисбатан, квадрат ва кубик полиномлар бўлаклари мажмуаси ночизикли функцияларни алмаштиришнинг аниқлиги бўйича ажралиб туради. Ҳисоблашнинг нисбатан бир хил ҳажмига эга бўлиши билан бирга, кубик полиномлар юқори аниқлиги билан ажралиб туради ва амалиётда кўпроқ қўлланилмоқда.

Кубик полиномлар ишлатилганда аппроксимация тугунлари ва туташини тугунлари мос келади. Шунинг учун кубик полином коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги шартлар бажарилади: сплайннинг $B_k(H_k) = B_k$ тугун орқали ўтиши; ёнма-ён k ва $k+1$ бўлақлар тугунларида биринчи $B'_k(H_k) = B'_{k+1}(H_k)$ ва иккинчи $B''_k(H_k) = B''_{k+1}(H_k)$ ҳосилалар тенглиги. Бундан ташқари, коэффициентнинг ягонасини аниқ ҳисоблаш учун икки чекка шартларни билиш ҳам лозим.

Ҳаво оралиғидаги магнит индукцияси натижавий ва унинг гармоник ташкил этувчиларининг ночизикли боғланишлари аниқланади

$$B_\delta = f(H_{\delta n}). \quad (16)$$

Шунга эътиборни қаратиш зарурки, (16) ифодада магнит ўзак тўйинганлик ночизиклилиги эътиборга олинган.

Дифференциал сочилма магнит майдонни аниқлашда натижавий магнит майдондан ҳаво оралиғи магнит майдоннинг асосий гармоник ташкил этувчисини айириш лозим


$$B_{\delta\rho q.v} = B_{\delta\rho q.v} - B_{\delta\rho q.1}. \quad (17)$$

Шу асосда, (16), (17) аналитик ифодалар ёрдамида АҚСМ уч фазали икки қатламли статор чулғами учун бир қутб бўлинмаси доирасида статор кесими θ бўйлаб магнит индукциясининг асосий гармоникаси $B_{\delta\rho q1} = f(\theta)$ ва унинг юқори гармоник $B_{\delta\rho q.v} = f(\theta)$ ташкил этувчилари (2-расм) қурилди.


Шуни таъкидлаш лозимки, қўзғатиш чулғамининг тузилиши «бир

фазали» бўлганлиги сабабли, унда индуктивланган ЭЮК ва шу сабаб оқаётган ток бир фазали ва пульсланувчи магнит майдон ҳосил қилади. Бундай магнит майдонни тўғри, тескари ва нол кетма-кетлик ташкил этувчиларини тарқатиб қўйидагиларни англаш мумкин. Учинчи ва унга каррали бўлган гармоник ташкил этувчилар статорнинг айланувчи магнит майдони билан таъсир этиб, қўшимча электромагнит момент ҳосил қилади. Уларни бошқа моментлар билан қўшганда натижавий электромагнит моментнинг камайиши, СМнинг статик механик тавсифнинг баъзи бўлақларида “пасайиш”лар ҳосил бўлади. Бунда, ротор оралиқ тезликларда тормозланиши мумкин (3-расмда А нукта).

АҚСМни асинхрон усулда ишга тушириш жараёнига уларнинг миқдорий ва сифат таъсирини экспериментал тадқиқотлар ёрдамида амалга оширилади.



2-расм. $B_{\delta pq,1}=1,0$ Тл да олинган магнит индукция эгри чизиклари




3-расм. АҚСМ статик механик характеристикаси

“Ansys Maxwell” дастурий мажмуаси ёрдамида синхрон моторнинг магнит майдонини моделлаштириш. ANSYS Maxwell дастурий мажмуаси магнит майдонларнинг тақсимланишини, шунингдек, кучлар ва айлантувчи момент, индуктивлик ва бошқа хусусиятларни аниқлашга қодир. Электр машиналарини лойиҳалаш самарадорлигини ошириш учун Максвелл таркибига эквивалент магнит занжирлари асосида ҳисоблашнинг классик усуллари амалга оширувчи RMXprt модули киради.


Магнит майдоннинг тақсимланиши ва магнит ўзакнинг тўйиниши. 4 ва 5-расмларда номинал иш жараёнида моторнинг кўндаланг кесимида магнит индукциясининг тарқалиши кўрсатилган.

4-расмда дастурий модуль (ANSYS Maxwell RMXprt) ёрдамида аён қутбли синхрон мотор магнит ўзакнинг тўйинишини ҳисобга олган ҳолда магнит индукциясининг тарқалиш шакли кўрсатилган. 5-расмда дастурий модулдан фойдаланиб, аён қутбли синхрон мотор магнит ўзакнинг тўйинишини ҳисобга олмаган ҳолда магнит индукциясининг тарқалиш шакли кўрсатилган.


6 ва 7-расмларда аён қутбли синхрон мотор магнит ўзагининг тўйинишини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда статор ва ротор бўйлаб магнит индукциясининг тарқалиши кўрсатилган.




4-расм. АҚСМ нинг магнит ўзак тўйинишини ҳисобга олган ҳолда магнит индукциясининг тарқалиш шакли



5-расм. АҚСМ нинг магнит ўзак тўйини-шини ҳисобга олмаган ҳолда магнит индукциясининг тарқалиш шакли




6-расм. Магнит ўзакнинг ҳисобга олган ҳолда статор ва ротор бўйлаб магнит индукциясининг тарқалиши




7-расм Магнит ўзакнинг ҳисобга олмаган ҳолда статор ва ротор бўйлаб магнит индукциясининг тарқалиши

Шунингдек, 8 ва 9-расмларда магнит ўзакнинг тўйинишини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда АҚСМ ишга тушириш пайтидаги электромагнит момент ва тезликнинг осциллограммалари кўрсатилган.



8-расм АҚСМ магнит ўзакнинг ҳисобга олган ҳолда электромагнит момент осциллограммаси



9-расм АҚСМ магнит ўзакнинг ҳисобга олмаган ҳолда электромагнит момент осциллограммаси

Хусусан, магнит ўзак тўйинишини ҳисобга олган ва олмаган моделларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, тўйинишни ҳисобга олган ҳолда машинанинг алоҳида қисмларида магнит индукцияси тўйинишсиз чизиқли ҳолатга қараганда тахминан 14,4% га юқори. Бу эса, ҳисоблаш аниқлигини ошириш учун тўйиниш эффектини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди.

АҚСМ статор чулғамининг дифференциал сочилма индуктивлигини ҳисоблаш методикаси. Замонавий юқори даражада қўлланиладиган аён кутбли синхрон моторларда дифференциал сочилма индуктивлиги ва статор чулғамининг асосий индуктивлиги ҳаво оралиғининг электромагнит майдони

туфайли вужудга келади ва улар машинанинг асосий параметрлари ҳисобланади. Ушбу индуктивликка таъсир қилувчи омилларни инобатга олиш имконини берувчи дифференциал сочилма индуктивлигини ҳисоблаш услубиятини белгилаймиз.

Дифференциал сочилиш индуктивлиги


$$L_{\sigma} = L - L_{ac} , \quad (18)$$

бу ерда, L – чулғамнинг индуктивлиги; L_{ac} - чулғамнинг асосий индуктивлиги. У майдоннинг электромагнит энергияси билан қуйидаги ифода орқали боғланган

$$L_{ac} = \frac{2}{i^2} W , \quad (19)$$

бу ерда W – моторнинг ҳаво оралиғидаги майдоннинг электромагнит энергияси.

10-расмда дифференциал сочилма индуктивликнинг ҳаво оралиғига боғлиқлиги кўрсатилган.



10-расм. Дифференциал сочилма индуктивликнинг ҳаво оралиғига боғлиқлиги

Мотор статор чулғамининг бош индуктивлиги

$$L_{ac} = \frac{2}{i^2} W_{ac} , \quad (20)$$

бу ерда W_{ac} – асосий электромагнит энергия.

Уч фазали ток билан таъминланганда уч фазали чулғамнинг битта фазасига тегишли дифференциал сочилма индуктивлиги

$$L_{\sigma,уч} = L_{уч} - L_{ac,уч} = \frac{4}{3i^2} (W_{уч} - W_{ac,уч}) , \quad (21)$$

бу ерда $W_{уч}$ - уч фазали чулғам ҳақиқий майдонининг электромагнит энергияси.

Бир ва уч фазали чулғамларга (21) аналитик ифодаларни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$W_{уч} = \frac{\mu_0 \ell \delta \delta (b+c)}{4} \int_0^{2\pi} H_{уч}^2 d\varphi \quad (22)$$


$$W_{ac,уч} = \frac{\mu_0 \ell \delta \delta (b+c)}{4} \int_0^{2\pi} H_{ac,уч}^2 d\varphi \quad (23)$$

Диссертациянинг “Магнит ўзак тўйинишининг АҚСМни ишга тушириш жараёнига таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган тажрибалар” деб номланган тўртинчи бобида назарий ишланмаларни, таклиф этилган ҳисоблаш усулларини тасдиқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Магнит ўзак тўйинишининг ҳаво оралиғи магнит майдонининг юқори гармоник ташкил этувчиларига ва АҚСМни асинхрон усулда ишга тушириш жараёни табиатига таъсир даражасини аниқлаш бўйича ҳисоблаш тажрибаси ўтказилди.


Қуйида СМ ларни тўғридан-тўғри ва силлиқ ишга туширишда қуввати 2,2 кВт, кучланиши 220 В ва роторининг айланиш тезлиги 1500 айл/мин, ҳамда қуввати 8000 кВт, кучланиши 6 кВ бўлган мотоорларда тажриба тадқиқотлари ўтказилган.

- машина кучланишининг номинал қийматини сақлаб туришни таъминлайдиган АҚСМни силлиқ ишга тушириш схемасини ишлаб чиқиш.

11 ва 12 – расмларда тажриба тадқиқотларни бажаришда вақт бўйича график боғланишларни ўлчаш учун Textronix фирмасининг MSO-64 рақамли осциллографидан фойдаланилди, у синхрон моторнинг токини, кучланиш ва айланиш тезлигини кузатиш имконини беради.



11-расм. 2,2 кВт ли СМни асинхрон усулда ишга тушириш осциллограммаси (тўғридан тўғри ишга тушириш)




12-расм. 2,2 кВт ли СМни асинхрон усулда ишга тушириш осциллограммаси (силлиқ ишга тушириш)


Шундай қилиб, тажрибада тўғридан-тўғри ишга туширишда ишга тушириш токи номинал қийматдан 5 марта ошиши аниқланди, унинг вақти 2 сонияни ташкил этади. Силлиқ ишга туширишда ишга тушириш токи номинал қийматдан 2 марта ортади, унинг вақти 7 секундни ташкил этади.

Ишчи тезликка тез чиқиш катта электромагнит юкламалар билан бирга келади ва тўйинганликни ҳисобга олган ҳолда модел тезланишга таъсир қилувчи момент ва токнинг ҳақиқий чўққиларини акс эттиришга қодир, шунингдек, тўйинганлик ишга туширишга таъсир қилади ва ишга тушириш пайтида зарбий тоқларини камайтириш зарурлигини кўрсатади.

13 ва 14 расмларда АҚСМ-8000 кВт ли синхрон моторни тўғридан тўғри ишга туширганда магнит ўзакни тўйинишини ҳисобга олган ва олмаган ҳолатидаги моментнинг ўзгариши келтирилган.




13-расм. АҚСМ-8000 кВт ли синхрон моторни тўғридан тўғри ишга туширганда моментнинг ўзгариши (магнит ўзакни тўйинишини ҳисобга олганда)




14-расм. АҚСМ-8000 кВт ли синхрон моторни тўғридан тўғри ишга туширганда моментнинг ўзгариши (магнит ўзакни тўйинишини ҳисобга олмаганда)

15 ва 16 расмларда АҚСМ-8000 кВт ли синхрон моторни силлик ишга туширганда магнит ўзакни тўйинишини ҳисобга олган ва олмаган ҳолатидаги моментнинг ўзгариши келтирилган.




15-расм. АҚСМ-8000 кВт ли синхрон моторни силлик ишга туширганда моментнинг ўзгариши (магнит ўзакни тўйинишини ҳисобга олганда)



16-расм. АҚСМ-8000 кВт ли синхрон моторни силлик ишга туширганда моментнинг ўзгариши (магнит ўзакни тўйинишини ҳисобга олмаганда)

Ушбу ишда синхрон моторни ишга туширишда микропроцессорли бошқариладиган “Тиристорли кучланиш ўзгартиргичи – СМ” (ТКЎ-СМ) тизимидан фойдаланиш таклиф этилган.



17-расм. Тиристорли кучланиш ростлагичли АҚСМни силлик ишга тушириш қурилмасининг принципал структуравий схемаси

17-расмда тиристорли кучланиш ростлагичли АҚСМ силлик ишга тушириш қурилмасининг принципал структуравий схемаси келтирилган.

“ТКЎ-СМ” деб номланган ушбу тизим қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади: СМ - синхрон мотор; ТКЎ - тиристорли кучланиш ўзгартиргичи; МПБ - микропроцессорли бошқарув; ТД - ток датчиги; ТТ - ток трансформатори; ЯЎ2 - яримўтказгичли ўзгартиргич; А - амперметр; КД - кучланиш датчиги; КТ - кучланиш трансформатори; ЯЎ1 - яримўтказгичли ўзгартиргич; В - вольтметр; ТД - тезлик датчиги; к1, к2, к3 - ишга тушириш аппаратларининг калитлари; Р - резистор.

Шуни таъкидлаш керакки, такомиллаштирилган тиристорли кучланиш ростлагичли ишга тушириш схемаси СМ ни силлиқ ишга тушириш имконини беради.

ХУЛОСА

“Синхрон моторнинг ўткинчи жараёнларига магнит ўзак тўйинишининг таъсирини таҳлил қилиш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Магнит ўзакнинг тўйиниш даражаси таъсирини ҳисобга олган ҳолда мавжуд иккита усул (бўлак-чизиқли аппроксимация ва кубик полиномлар аппроксимацияси) бўйича ҳисоблаш аниқлигини таққослаш мақсадида асинхрон усулда ишга тушириш жараёнининг математик модели такомиллаштирилди. Натижада, 15 кВт АҚСМнинг магнит ўзак тўйинганлигини ҳисобга олмаслик дифференциал сочилма индуктивлиги, магнит индукцияси, электромагнит моменти ва қувватини аниқлашда 19,3% хатоликка олиб келиши аниқланди.

2. Қуввати 15 кВт бўлган АҚСМ статор чулғамининг магнит майдони ва унинг гармоник ташкил этувчилари AnsysMaxwell дастури ёрдамида СМни ишга тушириш режими магнит ўзакнинг тўйинганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилди. Натижада, тўйинганликни ҳисобга олмаслик 14,4% хатоликка олиб келиши аниқланди.

3. Магнит ўзакнинг локал тўйиниши шароитида чулғамлар дифференциал сочилма индуктивлигини аниқлаш учун аналитик боғланишлар олинди ва асосланди. Натижада, улар АҚСМ чулғам параметрларини ҳисоблашда тишли зоналар тўйинишининг таъсирини аниқроқ ҳисобга олиш имконини беради.

4. Машина кучланишининг номинал қийматини сақлаб туришни таъминловчи АҚСМни силлиқ ишга тушириш схемаси такомиллаштирилди. Натижада ТКЎ-СМ тизими паст ишга тушириш тоқларида кучланишни силлиқ ўзгартириш (ошириш) билан СМни ишга тушириш имконини беради, микропроцессорли бошқариш эса механик характеристикада носозликлар мавжуд бўлган участкалардан нисбатан тез ўтиш имконини беради.

5. Таклиф этилган ишга тушириш усули “Навоий ИЭС” АЖнинг қуввати 8 МВт бўлган синхрон мотор газ сиқиш компрессор станциясида тавсия этилди ва жорий этиш учун қабул қилинди. Натижада, қутилаётган иқтисодий самара 161 млн. сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ДОКТОРА НАУК DSc.03/10.12.2019. Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

ХАЛБУТАЕВА АЗИЗА КАМАЛИДДИНОВНА

**АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ НАСЫЩЕНИЯ МАГНИТОПРОВОДА НА
ПЕРЕХОДНЫЕ ПРОЦЕССЫ СИНХРОННОГО ДВИГАТЕЛЯ**

**05.05.02 – Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.
Электротехнические комплексы и установки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за В2023.2.PhD/Г922

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www. tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyo Net» (www. ziynet.uz).

Научный руководитель:

Пирматов Нурали Бердиёрович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бобожанов Махсуд Қаландарович
доктор технических наук, профессор

Ишназаров Ойбек Хайрилаевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
транспортный университет**


Защита диссертации состоится «13» декабрь 2025 г. в 10:30 часов на заседании научного совета DSc.03/10.12.2019. Т.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова. Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 207-07-32; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (регистрационный номер - 58). Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 207-14-70.

Автореферат диссертации разослан «25» 11 2025 года.
(протокол рассылки № «9» от «24» 11 2025 года).




К.Р.Аллаев
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор,
академик


И.У.Рахмонов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор


Т.Ш. Гайибов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире синхронные машины являются одними из наиболее распространённых и мощных электрических машин, применяемых на всех видах электростанций и в промышленности, а их безаварийная эксплуатация является одним из важных вопросов в производстве, во многом определяемая корректностью выбора и расчётом их параметров при проектировании. В настоящее время в странах с развитой техникой и технологиями «...проводятся масштабные исследования по моделированию переходных процессов синхронных машин»¹. В связи с этим особое внимание уделяется разработке методов точного моделирования пусковых процессов с учётом насыщения магнитопровода.

В мире проводятся научные исследования, направленные на проектирование и эксплуатацию синхронных машин двигателей для повышения точности расчётов, обеспечения надёжного пуска тяжело нагруженных машин и повышения энергоэффективности, а также подкрепления устойчивости систем электрических машин. При этом, широкое применение компьютерного моделирования и виртуальных моделей электрических машин в промышленности является приоритетным для цифровизации. Для достоверного виртуального моделирования синхронного двигателя необходимо, чтобы математическая модель адекватно отражала реальные нелинейные свойства стали магнитопровода, в противном случае имитационное моделирование не сможет заменить натурные испытания, замедляя внедрение инноваций. Помимо того, особое внимание уделяется надёжности и энергоэффективности электрических машин.

В нашей Республике в последние годы были проведены необходимые на сегодняшний день реформы в целях ускоренного развития всех отраслей экономики, повышения инвестиционной привлекательности, создания благоприятных условий для повышения трудовой активности населения, улучшения социального уровня жизни населения и расширения сферы производства и услуг, а также для надёжного обеспечения населения качественной, бесперебойной электроэнергией по доступным ценам. Одновременно принимаются усиленные меры по созданию, совершенствованию и внедрению новых технологических решений, отвечающих требованиям современности. В Республике проводятся также широкомасштабные мероприятия по созданию, совершенствованию и внедрению новых технологических решений с целью снижения энергоёмкости в полтора раза к 2030 году по отраслям экономики. В Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в том числе отмечены важные задачи, такие как «обеспечение экономики «непрерывной электроэнергией» и внедрение технологий «Зеленой экономики» во всех

¹Armin Kerperin. Modellierung der Sättigungseinflüsse einer Synchronmaschine: Eine Berechnung transients Vorgänge der Synchronmaschine mit Berücksichtigung der magnetischen Sättigung Paperback – 3 Aug. Dordmund, 2016.

отраслях, сокращение потерь электроэнергии в электросетях на территориях Республики, тем самым повышая энергоэффективность экономики...».² Для решения этих задач актуальным является проведение научных исследований, направленных на решение проблем влияния насыщения магнитопровода на переходные процессы синхронного двигателя.

